O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 11-NOYABR ■ SESHANBA ■ 131 (27.151) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ





Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 ноябрь куни Оқсаройда АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосиё масалалари бўйича ёрдамчиси Элизабет Жонс ҳамда АҚШ давлат котибининг демократия, инсон ҳуқуқлари ва меҳнат масалалари бўйича ёрдамчиси Лорн Крейнерни қабул қилди.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб келмоқда. Мамлакатимизга уммон ортидан ҳукумат, парламент ва ишбилармон доиралар вакиллари делегациялари тез-тез ташриф буюраётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Учрашувда Ислом Каримов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ҳар томонлама равнақ топиб бораётганидан мамнуният изҳор этар экан, ушбу учрашув стратегик шериклик даражасига кўтарилган Ўзбекистон — АҚШ муносабатларига оид долзарб масалаларни яна бир бор кўриб чиқиш учун яхши имконият яратганини таъкидлади.

Ўзбекистон ўз олдига демократик жамият барпо этиш, халқ фаровонлигини янада ошириш, иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли давом эттириш ва бозор муносабатларини қатъий қарор топтириш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш каби улкан вазифаларни қўйган. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон мана шу вазифаларни бажаришда АҚШ билан янада яқин ҳамкорлик қилиш истагида эканлигини айтди.

Меҳмонлар самимий қабул учун Президентга миннатдорлик билдириб, АҚШ томони Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларни бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашини, ҳамкорлик икки томонлама манфаатли асосда давом этишини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари, минтақавий хавфсизлик, инсон ҳуқуқларига оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

✧✧✧

Суратларда: қабул пайти

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар

ЯНГИ БОЖХОНА МАЖМУИ

АМУДАРЁНИНГ ЎНГ СОҲИЛИДА — «ТЕРМИЗ — ҲАЙРАТОН» КЎПРИГИ ОЛДИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЭНГ ЙИРИК «АЙРИТОМ» БОЖХОНА МАЖМУИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирни Сурхондарё вилояти ҳокими Т.Қодиров очди. Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги алоқалар ҳамиша ўзаро ҳурмат ва ишонч, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланиб келган. Бунда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг узоқни кўзлаб юритаётган оқилона ташқи сиёсати муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон Афғонистондаги тикланиш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Дунёнинг турли мамлакатларидан афғон халқига ёрдам сифатида келаётган юклар асосан шу ердан ўтади.

Афғонистонда толиблар ҳукмронлиги тугатилиб, ўтиш ҳукумати тузилгач, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари яна тикланди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик жадаллашди. Икки давлат ўртасида йўл қурилиши, транспорт, ирригация, электр энергияси ва нефть маҳсулотлари таъминоти соҳаларида ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ўзбекистонлик бунёдкорлар Афғонистонда автомобиль йўллари қурилишида фаол иштирок этмоқда. Йўлсозларимиз ҳозиргача тўққизта кўприкни қуриб битказди.

«Термиз — Ҳайратон» кўприги ва Термиз дарё порти орқали халқаро транзит юкларни ўтказишга ҳамда фуқаролар борди-келдисига рухсат этилгани божхона ва чегара назоратини янада кучайтиришни тақозо этади. Шу боис «Айритом» божхона мажмуи қисқа муддатда барпо этилди. У Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси қўшма лойиҳаси асосида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Мазкур лойиҳанинг қиймати 2 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, у Норвегия, Финляндия ва АҚШ томонидан молиялаштирилган. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Рустам Азимов, Осиё тараққиёт банки президенти Тадао Чино иштирок этди.

Чори ТЎХТАЕВ,
ЎзА мухбири

ҚАДИМДА БУХОРО ВОҲАСИ

Бухорода Ўзбекистон ва Италия археологлари иштирокида «Бухоро воҳаси. Қадимда ва ўрта асрларда» мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Фанлар академияси археология институти, Бухоро давлат меъморий-бадиий музей-қўриқхонаси ҳамда Римдаги Ла Сапиенца университетининг Шарқшунослик институти ташаббуси билан икки мамлакат олимлари қадим Бухоро заминида учрашишга муваффақ бўлдилар.

«Варахша рангтасвиридаги бир сурат тўғрисида» мавзуида маъруза қилган Рим университети Шарқшунослик институтининг директори Силва Антонини Бухоро тарихини ўрганиш юзасидан қилинган ишларни юксак баҳолади. Италиялик бошқа олимлар ҳам юртимиз тарихига оид маърузалар қилишди.

Уч кунлик анжуман давомида мамлакатимизнинг ўтмишидан ҳикоя қилувчи йигирмадан зиёд илмий маърузалар тингланди.

«Туркистон-пресс»

ЎзХДП хабари

СЕССИЯОЛДИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

2003 йилнинг 10 ноябрь куни Ўзбекистон ХДП МК Котибиятининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XIII сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказишда ХДП фракциясининг фаол иштирокини таъминлаш масаласи муҳокама қилинди. Котибият йиғилишида Марказий Кенгашнинг Тадбирлар режаси, фракциянинг сессиядаги иштирокини таъминлашга ташкилий-техникавий жиҳатдан кўмаклашувчи Ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланди. Шунингдек, унда депутатлар, партия ташкилотлари, экспертлар, фуқароларлардан қонун ва қарорлар лойиҳалари бўйича тушадиган таклифларни умумлаштириш ва уларни Олий Мажлис Котибияти ва қўмиталарига етказиш, фракция йиғилишига пухта тайёргарлик кўришга оид вазифалар белгилаб олинди.

ЎзХДП МК матбуот хизмати

ҲАМКОРЛИК ФЕСТИВАЛИ

ТОКИОНИНГ ҲИБИЯ БОҒИДА ЯПОНИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ

Токио марказидаги Ҳибия боғи ўзининг жозибаси, мафтункорлиги ҳамда сўлим гўшалари ила бутун Японияда донг таратган. Император Акиҳито саройининг ёнгинасида жойлашган ушбу фусункор маскан нафақат шаҳар аҳли, балки Кунчиқар мамлакатга ташриф буюрувчи сон-саноқсиз сайёҳларнинг ҳам севимли зиёратгоҳи ҳисобланади.

Шу кунларда ўзининг юз йиллигини нишонлаётган Ҳибия боғида Халқаро ҳамкорлик фестивалининг ўтказилиши ушбу тадбирга бўлган диққат-эътиборнинг янада ортишига сабаб бўлди.

Мана ўн йилдирки, Япония ҳукумати томонидан мунтазам равишда ўтказиб келинаётган Халқаро ҳамкорлик фестивали мамлакат аҳолисига турли давлатлар билан мавжуд ўзаро алоқалар моҳиятини батафсил очиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Анъаналардан фарқли ўлароқ, бу сафарги фестиваль дастуридан МДҲ мамлакатларининг ягона вакили — Ўзбекистон Республикаси кўргазмаси ҳам жой олди.

Унда Ўзбекистон ва Япония ўртасида йўлга қўйилган ўзаро манфаатли ҳамкорлик мавзуига алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз сайёҳлик салоҳияти, сармоявий имкониятлари ва бой маданий мероси ҳақида атрофлича маълумот берувчи ушбу кўргазма фестиваль иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Б.АЛИМОВ,
«Жаҳон» АА, Токио.

ЧИРОҚЧИ ИБРАТИ

Об-ҳаво совиб, гоҳ ёмғирли, гоҳ шудрингли шў кунларда **Чироқчи** тумани пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб шартномавий режаларини бажардилар. Вилоят ҳокими буни ўз табригида: «Чироқчи азалдан ғалласи билан маълум ва машҳур эди, мана, энди пахтачиликда ҳам ўзига хос мактаб яратди...» — деб баҳолади.

Дарвоқе, 26800 тонналик пахта хирмони, бу — тадбиркорлик маҳсули. Туманда пахта навини танлаб экишдан тортиб, меҳнатни ташкил этишгача бўлган барча жараён йил бўйи назар-эътиборда турди. Чунки, туманнинг ер шароити анча мураккаб, шартли суғориладиган майдонлар кўп. Бироқ, ер эгасини топса, ҳар қандай машаққат ҳам ортда қоларкан. Ҳ.Олимжон номли ширкат хўжалиги



«Пахта — 2003»

режани 113 фоиздан оширган бўлса, «Кўкдала»да 1150 тонна ўрнига 1250 тонна пахта тайёрланди. «Зарбдор», «Чияли», Ф.Хўжаев номли хўжаликларда ҳам хирмон кутилганидан баракали бўлди.

Туман пахтакорлари яна 2000 тонна ҳосил жамғариш ва тармоқдан камида 3 миллиард сўм соф фойда олишга аҳд қилишди. Вилоятда бошқа туманлар ҳам маррага измаиз етиб келишмоқда.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЯНА ИККИ ТУМАН МАРРАДА

Бухоро тумани деҳқонлари бу йил ҳам пахта тайёрлаш йиллик режаларини барвақт ўринлатдилар. 11515 гектар майдондан ҳозиргача 37 минг тоннадан зиёд сифатли пахта териб олинди. Бу ҳар гектар майдондан 33,5 центнер ҳосил дегани. «Ўзбекистон», «Ўрта Осиё», «Бухоро», Обид Убайдов, Усмон Юсупов номли ширкат хўжаликларида бу кўрсаткич 35-45 центнерга етди. Туман ҳокими Негмурод Пўлатовнинг таъкидлашича, хирмон салмоғи 40 минг тоннага етказилса, 8 миллиард 300 миллион сўм фойда кўрилади. Бу эса қишлоқда ижтимоий муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади.

✧✧✧

Пешку тумани пахтакорлари кейинги етти йил мобайнида биринчи марта йиллик режани бажардилар. Туманда 33 минг 500 тонналик хирмон тикланиб, шартномавий режа ошириб бажарилди.

— Пахтачилик тарихида илк бор ҳар гектар ердан қарийб 33 центнердан ҳосил олинди, — дейди туман ҳокими Камол Нуров. — Бунинг эвазига 7 миллиард сўмдан зиёдроқ даромад қилдик. Ялпи хирмонни 36 минг тоннага етказиш ниятимиз бор...

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Болалар спорти



Ёш авлодни соғлом, кучли, бақувват, мард ва жасур қилиб тарбиялашда, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда спортнинг аҳамияти бениҳоя катта.

Спорт — ёш авлод маънавий камолотининг ҳам гаровидир. Жамоага ҳурмат, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, бир-бирининг ютуғидан қувониш сингари инсоний фазилатлар айнан болаликда спорт орқали шаклланади. Юртбошимиз ташаббуси билан тузилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳам айнан шу мақсадда ташкил этилган. Ўтган қисқа фурсат мобайнида мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида катта ишлар амалга оширилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг саъй-ҳаракатлари билан шаҳар ва қишлоқларимизда янги-янги спорт мажмуалари, ўйингоҳлар бунёд этиляпти. Шунингдек, болалар ўртасида футбол, кураш, шахмат, шашка, белбоғли кураш сингари оммавий турлар бўйича ташкил этилаётган мусобақалар анча кўпайди.

Болалар ўртасида ўтказилаётган анъанавий «Маҳалламиз паҳлавонлари» турнири ҳам шулар жумласидандир. Уч босқичдаги мазкур мусобақа аллақачон болаларимизнинг севимли мусобақаларидан бирига айланган. Бу йилги ўйинларда республикамиз бўйича тўрт юз мингга яқин ёш полвонлар гиламга чиқди. «Маҳалламиз паҳлавонлари» республика турнирининг финал босқичида барча рақибларини мағлубиятга учратган Қашқадарё вилояти вакиллари умумжамоа ҳисобида шоҳсупанинг биринчи поғонасидан жой эгаллашди.

— Юртимизда ҳар икки ўғилдан бири полвон бўламан, кураш бўйича жаҳон чемпиони бўламан деб ҳавас қилади, — дейди қашқадарёлик фахрий курашчи, самбо бўйича Европа чемпиони Нормамат Йўлдошев. —Вилоятимизда миллий курашга меҳр, эътибор бўлакча. Кураш бўйича мусобақалар доимо юқори савияда ўтказилади. Шу туфайли ҳам вилоятимиз полвонлари кетма-кет икки йилдирки, «Маҳалламиз паҳлавонлари» республика турнирининг кўчма кубогини қўлга киритди. Фарзандларимиз орасидан келажакда кўплаб спорт юлдузлари чиқишига ишонаман.

✧✧✧

Суратда: фахрий полвон Нормамат Йўлдошев шогирдлари билан.

Абдувосит ҲАЙДАРОВ олган сурат

Иқтисод ва ислоҳот

СЎМ ҚУВВАТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ — УМУМХАЛҚ ИШИ

МУЛОҲАЗА, МУНОЗАРА, ТАКЛИФ ВА ИСТАК

2003 йил 15 октябрь Ўзбекистон Республикаси тарихидаги муҳим саналар қаторидан ўрин олиши шубҳасиз. Зеро, худди шу куни ўзбек сўмини жорий операциялар бўйича ички эркин алмаштириш расман бошланди. Мазкур ҳолат мамлакатимизда ривожланган бозор иқтисодиётини барпо этиш жараёни янги босқичга ўтганлигидан ёрқин далолат бўлди.

Халқаро тажрибада мустақил пул бирлигини жорий этишнинг бирданига ва аста-секин амалга ошириш усуллари мавжуд. Биринчи усулни шартли равишда «инқилобий», иккинчисини эса «тадрижий» деб аташ мумкин.

Биринчи ҳолда бу жараён қисқа вақтда ва асосан тўсатдан ўтказилади. «Инқилобий» усулда аҳолининг умр бўйи йиққан пул жамғармаси қийматини сақлаб қолиш бош мақсад сифатида қўйилмайди. Миллий валютага ўтишнинг бу усулини танлаган Ҳамдўстлик давлатлари фуқароларининг қандай жиддий қийинчиликларга дуч келганлигининг гувоҳимиз. Мазкур давлатларда бу ҳолат аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлди, айрим давлатларда ҳатто ҳукумат инқирозларини юзага келтириб чиқарган муҳим сабаблардан бири сифатида эътироф этилди.

2-бет

СУВ РЕСУРСЛАРИ: ЎЗБЕК ВА ФРАНЦУЗ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Кеча Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институтида (ТИҚХМИИ) Гидроинформатика ва сув ресурслари ўқув маркази ҳамда Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ташкил этилган «Ўзбек — Француз институционал имкониятларини ривожлантириш ҳамкорлиги» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Унинг асосий мақсади — Франциянинг Бордо Университети, Франция Давлат Геологик хизмати ва ТИҚХМИИ ўртасида ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, икки томонлама академик (яъни профессор-ўқитувчилар, аспирантлар ва илмий ходимлар) алмашувини йўлга қўйиш, сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш ва муҳофаза қилиш борасида биргаликда илмий ишлар олиб бориш, янги замонавий ўқув дастурлар ишлаб чиқиш, шунингдек, ҳамкорлик доирасида янги ишчи режаси тузиш бўлди. Ўзбек ва француз олимлари ўртасидаги ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш йўлида ҳамжиҳатлик Меморандуми имзоланди.

Учрашувда сув ресурслари соҳасида иккала мамлакат олимлари олиб бораётган илмий тадқиқотларнинг шарҳи, ечими кутилаётган долзарб масалалар муҳокамаси ва ушбу муаммоларни биргаликда ҳал этиш йўллари тўғрисида сўз борди. Жумладан, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ва сифатини бошқариш Ўзбекистон учун ҳам, Франция учун ҳам бирдек манфаатли эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шу боис, келгусида Бордо Университети ва Франция Давлат Геологик хизмати билан ТИҚХМИИ ўртасида орттирилган бой тажрибалар алмашуви кўзда тутилди. ТИҚХМИИ ректори профессор Ф.Ақназаров, Франция Элчихонасининг Илмий ишлар бўйича маслаҳатчиси (атташе), жаноб Рожен Бубегира, Бордо Университети профессори, жаноб Филлип Ле Костюмер, Франция Давлат Геологик хизмати илмий ходими, жаноб Микаэль Мотелика — Хейнолар иштирок этдилар.

Ўз мухбиримиз

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 11 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	693,77	1 Польша злотийси	244,16
1 Англия фунт стерлинги	1632,99	1 СДР	1384,28
1 Дания кронаси	151,32	1000 Туркия лираси	0,65
1 БАА дирхами	265,72	1 Швейцария франки	715,74
1 АҚШ доллари	975,91	1 ЕВРО	1124,35
1 Миср фунти	159,20	10 Жанубий Корея вони	8,31
1 Исландия кронаси	12,79	10 Япония иенаси	89,16
1 Канада доллари	737,98	1 Россия рубли	32,74
1 Хитой юани	117,91	1 Украина гривнаси	183,03
1 Малайзия ринггити	256,85		

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

BANK XALQ BANKI

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

BUSINESS BANK БИЗНЕС БАНК ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

Иқтисод ва ислоҳот

СЎМ ҚУВВАТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ — УМУМХАЛҚ ИШИ

МУЛОҲАЗА, МУНОЗАРА, ТАКЛИФ ВА ИСТАК



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистонда миллий валютага ўтиш, унинг эркин алмашинувини таъминлаш масаласида «тадрижий» усулдан фойдаланилмоқда. Тан олиш керак, жаҳоннинг ҳеч бир давлатида бир пул тизимидан бошқасига ўтиш ва унинг конвертациясига тайёргарлик кўриш жараёнида халқ манфаатлари биздагидек алоҳида эътиборга олинмаган эди. Буни 1993 йил 15 ноябрда бошланган миллий валютани жорий этишнинг тайёргарлик босқичи, яъни оралиқ тўлов воситаси — «сўм-купон»га ўтиш вақтидан бошлаб кузатишимиз мумкин. Қаранг, айрим давлатларга ўхшаб Россия рубллари ўрнига «сўм-купон» муомалага кириши билан эски пулдан дарҳол воз кечилгани йўқ. Негаки, даромадларини рублда жамғариб келган аҳолига уни охиригача ишлатиш имкониятини бериш мақсад қилиб қўйилди. Алмаштириш миқдори юқори — 200 минг рубль қилиб белгиланди, ундан ортиқ қисми ҳам «куйиб» кетгани йўқ, балки банкда мазкур шахснинг номига жамғарма сифатида расмийлаштирилди. Ваҳоланки, ўша пайтда ўз миллий валютасига ўта бошлаган Ҳамдўстлик давлатларининг барчасида эски рубларнинг 20, 30, 50 минг, энг кўпи билан 100 минги алмаштирилди, ундан ортиқ қисми қолиб кетди, яъни пешона тери билан топилган маблағ бир кунда кераксиз қоғозга айланиб қолди.

Мамлакатимизда пул алмаштирилиши биланоқ, пенсия, стипендия, нафақа ва иш ҳақи янги «сўм-купон»да берила бошланди. Яқиндагина 20 фоизга оширилган иш ҳақи яна 50 фоизга кўпайтирилди. Кўплаб ишлаб чиқариш корхоналарининг ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра мураккаб иқтисодий аҳволга тушиб қолганлиги эътиборга олиниб, уларга шу мақсадда фойдаланиш учун фоизсиз банк кредити ажратилди.

Миллий пул бирлигини жорий этиш билан боғлиқ объектив қийинчиликларни юмшатиш масаласи шу тахлит чоратадбирлар ёрдамида амалга оширилди ва 1994 йил 1 июлдан «сўм-купон» ўрнига ҳақиқий валюта — сўмга ўтиш жараёни халқ учун молиявий йўқотишларсиз амалга оширилди.

Четдан қараганда, мамлакатимизда миллий валютага ўтиш ва унинг конвертациясига эришиш жараёни бирмунча чўзилиб кетганга ўхшайди. Молиячи мутахассис сифатида айтишим мумкинки, Ўзбекистонда ҳам миллий валютани дарҳол муомалага киритиш ва бирданига унинг эркин алмашинувини таъминлаш ҳамда унинг алмашув курсини сунъий йўллар билан кўтариб олиш йўлидан бориш мумкин эди. Лекин бундай усул, биринчи навбатда, халқнинг эҳтиёжманд табақалари кескин қашшоқлашишига олиб келиши эҳтимоли борлиги сабабли мамлакатимиз раҳбарияти хорижлик «маслаҳатчилар» таклифларини мулоҳаза қилиб кўришди.

Қолаверса, ўзбек сўми муомалага киргандан то унинг ички конвертацияси расман эълон қилинган 2003 йил 15 октябрга қадар ўтган салкам ўн йил давомида ҳам у амалда аслида конвертация қилиниб келди. Тўғри, бу конвертация маълум бир чекловларга эга эди. Шу ўринда миллий валютанинг тўла конвертацияси моҳияти ҳақида фикр юритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳеч қандай чекловсиз, хоҳлаган пайтда хоҳлаган миқдордаги пулни хоҳлаган тарзда конвертация қилиш ҳеч бир давлатда мумкин эмас ва жаҳонда бундай валютанинг ўзи йўқ, бўлмайди ҳам. Масалан, АҚШ ёки Англияга уларнинг бир қоп пулини кўтариб келсангиз, ҳеч қайси банк уни қабул қилмайди. Сиз энг аввало, олиб борган пулингизни қаерда ва қандай ишлаб топганлигингиз ҳақида, яъни унинг манбаи ҳақида ҳужжат тақдим этишингиз шарт. Мана шу ҳам чекловнинг бир кўриниши. Бунга ўхшаш чекловлар жуда кўп. (Масалан, валютаси тўла конвертация қилинадиган давлатларда наркобизнес, ўғирлик, фоҳишабозлик, наркотик ва қурол-яроғни ноқонуний тарзда сотиш каби жуда кўп ҳолатларда топилган пулни бошқа валютага конвертация қилиш мутлақо тақиқланган, уларни ишлатишга ҳам йўл қўйилмайди).

Демак, ҳамма гап чекловлар мазмуни, шакли ва миқдорида. Шу позициядан қарайдиган бўлсак, ўтган даврда халқнинг юқори турмуш даражасини таъминлашга қодир ривожланган бозор иқтисодиёти барпо этиш жараёнига хизмат қиладиган ҳолатларда миллий валютамиз ҳамиша конвертация қилиб келинди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, экспортга маҳсулот чиқарадиган ёки импорт ўрнини босадиган юқори сифатли маҳсулот яратаётган ёки шундай хизмат кўрсатаётган хўжалик юритиш субъектлари сўмни доимо эркин алмаштириб келдилар.

Бугун барала айтиш мумкин, шундай манзилли конвертация усули натижасида чекланган миқдорда эркин валютага эга ёш, мустақил давлатлар ичида Ўзбекистон биринчи бўлиб, бир неча баравар кам эркин алмашинадиган валюта сарфлаб, қисқа фурсат ичида собиқ иттифоқдан мерос қолган мустамлака мамлакат иқтисодиётини мустақил давлат иқтисодиётига айлантира олди. Бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера оладиган, ҳар қандай ички ва ташқи бўхронларга бардош бера оладиган бақувват иқтисодиётнинг асоси яратилди. Ўнлаб янги тармоқ ва соҳаларга асос солинди, маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскириб қолган минглаб ишлаб чиқариш корхоналари бутунлай қайтадан замонавий, юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланди.

Конвертация масаласида агар шундай йўл тутилмаганда эди, Ўзбекистон хориждан замонавий техника ва технология сотиб олиш учун амалда ишлатилган миқдорга нисбатан бир неча баравар кўп эркин алмашинадиган валюта ишлатишга мажбур бўларди. Кўриниб турибдики, конвертация билан боғлиқ вақтинчалик қийинчилик ва чеклашлар пировард натижада шу халқ учун, унинг манфаатлари учун амалга оширилди.

Ҳамдўстлик давлатларида ўз миллий валютасига ўтгандан кейин валюта курсига нисбатан турли йўллар тутилди. Кимлардир унинг курсини дастлаб эркин қўйиб юборганлиги учун қисқа фурсат ичида миллий валюталарининг курси эркин алмашинадиган валюталарга нисбатан шиддат билан пасая бошлади. Курс пасайиши ўн, юз, айримларида ҳатто бир неча минг мартадан ҳам ошиб кетди. Валюта курсини тартибга солишнинг турли усулларини синаб кўрган Белорусияда 1993 йил 26 августда белорус рубли АҚШ долларига нисбатан 2000 : 1 нисбатда муомалага киритилди. Икки йил ўтмасдан 1 АҚШ доллари курси 320 000 белорус рублига тенглашди. 2000 йил 1 январда 1000 : 1 нисбатда ўтказилган белорус рублининг деноминациясидан кейин ҳам вазият ўнгланмади, яъни белорус рублининг курси ҳамон тушиб келмоқда. Бундай йўл билан иқтисодий ривожланишни таъминлаш ўта мушкул эканлигини Белорусиядан ташқари Украина, Грузия, Озарбайжон каби давлатлар иқтисодиётининг бугунги ҳолати ҳам яна бир бор исботлаб турибди.

Иккинчи йўлни танлаган давлатларда мақбул курсни ушлаб туриш мақсадида жуда катта миқдордаги эркин алмашинадиган валюта ўз пул бирликлари ортига тиргович сифатида қўйила бошланди. Ҳатто хориждан ҳам айримларга шу мақсадда ишлатиш учун катта миқдорда маблағ беришди. Бу вақтинча ёрдам бера олди. Лекин бу масалада қизиқ ҳодисалар ҳам юз берди. Бу ҳолат 2 манатнинг 1 АҚШ долларига тенг курсини 1993 йилнинг 1 декабрида эълон қилган ва шу нисбатни абадий ушлаб туришга давлатининг қудрати бемалол етишини бутун дунёга қайта-қайта эълон қилган Туркманистонда юз берди. Қонун-қоидаларга мутлақо риоя қилмайдиган иқтисодий сиёсат натижасида туркман манатининг қуввати даҳшатли суръатда пасая бошлади ва қисқа фурсат ичида 1 АҚШ долларига 5200 манат бера бошлади. Яъни унинг курси 2600 баравар пасайди. Сўнгги йилларда Туркманистон ҳеч бўлмаса шу курсни ушлаб қолиш учун жуда катта миқдорда эркин алмашинадиган валюта ишлатишга мажбур бўлмоқда.

Ўзларига мақбул курсни миллий валютани муомалага керагидан кам чиқариш, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларни муддатидан кеч бериш каби сунъий йўллар билан ушлаб туришга уринган Россия, Молдова, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби давлатларда ҳам Туркманистонга ўхшаш жуда катта суръатда бўлмаса-да, валюталари курси доимо пасайиш тенденциясига эга бўлди.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади: ўз миллий валютасини дарҳол ички конвертация қила бошлаган қайси давлат ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда амалга оширилган даражада иш қила олди? Уларнинг айримлари бугун ислоҳотларнинг самараси сифатида мақтаётган баъзи кўрсаткичларининг пойдевори мустаҳкам экан-лигига ким кафолат бера олади?

Бу саволларнинг жавобини яқин келажак ҳукмига қолдирайлик-да, муҳокама қилаётган масаламизнинг ҳамма билиши зарур бўлган ўта муҳим жиҳатига эътиборингизни қаратайлик. Сўз миллий валютанинг курсини давлат ўзига мақбул бўлган миқдорда сақлаб туриш, зарур ҳолатларда эса ҳатто унинг қувватини ошириш масалалари ҳақида кетмоқда. Ўзўзидан маълумки, ҳар қандай давлатда миллий валютани муомалага киритиш, унинг эркин алмашинуви учун зарур шарт-шароит яратиш, алмашувни жорий этиш ва уни мустаҳкамлаш расман мамлакат раҳбарияти ҳамда мутасадди идоралар томонидан амалга оширилиши маълум. Мазкур жараёнда жуда катта ваколат ва масъулият Марказий банк зиммасига берилиши ҳам табиий.

Ҳукумату мутасадди вазирлик ва идоралар, биринчи навбатда, Марказий банк бу соҳада жуда катта тадбирларни амалга оширмоқда. Бир вақтнинг ўзида жаҳонда тан олинган, нуфузли валюталарга эга давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, миллий пул бирлигининг қувватини сақлаш ва айниқса, ошириш учун буларгина ҳали етарли эмас. Яъни мазкур масала, фақат ҳукумат ва Марказий банкнинг иши деб ҳисоблаб, қолган фуқаролар томошабин бўлиб тураверишса, қўйилган мақсадга ҳеч қачон эришиб бўлмайди. Юртбошимиз ҳар гал таъкидлаб келаётганларидек, сўмимиз нуфузли, тан олинган валютага айланиши учун ҳаммамиз бирдай тер тўкиб меҳнат қилишимиз керак.

Конвертация масаласида пухта ўйланган ва узоқни кўзлаб ўтказилаётган сиёсатимиз ўз самарасини бераётганлигини кўриб турибмиз. Лекин соҳада ҳаммаси ҳам силлиқ кетяпти, ҳеч қандай муаммо ва қийинчилик йўқ, деб айтмоқчи эмасмиз, албатта. Аксинча, ҳали ҳал бўлмаётган масалалар ҳам мавжуд ва бу ҳолат ўтиш даврини бошидан кечираётган давлат учун табиий.

Бир мисол. Конвертация масаласида ҳар қандай мамлакат ичида миллий валютанинг қувватини сақлаш, уни ўзига мақбул бўлган тарзда ўзгартириш муҳим вазифа бўлиши ўз-ўзидан тушунарли. Шундай экан, муайян бир вазирлик, идора ёки шахслар бу масалада алоҳида имтиёзга эга бўлиши ҳамиша ҳам ўзини оқлайвермайди. Гап — Ўзбекистон самолётида учган, меҳмонхонамизда яшаган каби ҳолатларда ажнабий шахслар сўм билан бирга эркин алмашинадиган валюта ва биринчи навбатда АҚШ долларида ҳисоб-китоб қилиши ҳам мумкинлиги ҳақида кетмоқда.

Бизнингча, хорижлик киши юртимизга қадам қўйиши билан ҳар қандай хизмат ёки маҳсулот ҳақини тўлашдан олдин ўзбек сўмини олиш учун дарҳол валюта алмаштириш шахобчасига «чопиш»и керак. Бу ҳолат чет эллик меҳмонга мамлакатимизда миллий валютага бўлган алоҳида эҳтиромнинг белгиси сифатида намоён бўлади ва энг муҳими, унинг бизда сарфлаётган эркин алмашинадиган валютаси алмашув шахобчалари орқали барибир шу юртда қолади.

Валюта яхши ҳимояланган, пишиқ, иссиқ-совуққа чидамли бўлиши билан бирга нақд пулсиз ҳисоб-китоб, турли пластик карточкалар кенг тарқалгунга қадар ҳамён ва чўнтакларда олиб юришга қулай бўлиши мақсадга мувофиқ. Тан олиш керак, сўнгги 10-12 йилда собиқ иттифоқнинг пул бирликларидан кечиб, то ўз миллий пул тизимларини барпо этишнинг объектив қийинчиликларидан ўтиб олиш босқичида барча ёш, мустақил давлатларда АҚШ долларига нисбатан алоҳида муносабат пайдо бўлди. Аҳоли уй-жой, автомобиль, хорижий уй-рўзғор буюмлари сотиб олишда, жамғарма йиғишда кўпроқ АҚШ долларини ишлата бошлади. Мазкур ҳолат бизни ҳам четлаб ўтмади.

Бундай ҳолат юзага келиши жараёнларини чуқур ва махсус ўрганиш талаб қиладиган сабаблари бор, албатта. Масалан, АҚШ долларининг ишончлилиги (1928 йилда чиққан купюра ҳам бугун банкда ўз номинали бўйича алмаштириб берилади), эркин конвертация қилиниши биттагина 100 долларлик купюрасига оламжаҳон нарса сотиб олиш мумкинлиги ҳам шундай сабаблар қаторига киради. Сўмимизнинг ички эркин конвертацияси бошланиши билан эса ана шундай битта муҳим сабаб барҳам топди. Мутасадди идоралар масаланинг қолган жиҳатларини ҳам тезроқ ҳал этишга эътибор берсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Собиқ шўролар даврида юрагини олдириб қўйган халқ кўп нарсага ҳадик билан қараши тушунарли. Айтмоқчимизки, пул алмаштириш учун паспорт талаб қилиниши масаласини яна бир бор ўйлаб кўриш керак. Бу масалада ўзибўларчилик, тартибсизлик бўлишини таклиф этмаган ҳолда Ўзбекистон фуқаролари учун кичик миқдорларда пул алмаштиришни паспортсиз амалга ошириш мумкин, деган фикрдамиз. Негаки, валютанинг пинҳона бозори ҳеч қандай ҳужжатсиз ишлайди ва шу сабабли аҳоли унга мурожаат қилишни афзал билади. Қолаверса, қачон пул алмаштиришни ҳар доим олдиндан билавермайсиз, шундай вазиятда ёнингизда паспорт бўлмаслиги ҳам мумкин.

Ҳар қандай пул бирлиги йўлида тўсиқ қанча кам бўлса, унинг айланиш тезлиги шунча юқори бўлади. Тасаввур қилинг, жилға оқиб келяпти. Сувнинг оқиш йўли қанча равон ва тўғри бўлса, унинг ҳаракати шунча тез ва шиддатли бўлади. Сувнинг ҳар бир ҳаракати унинг қувватини тобора кучайтириб боради. Йўлда учраган ҳар бир тўсиқ, бурилиш ва айланишлар унинг ҳаракат тезлиги ва қувватига салбий таъсир кўрсатади. Пулнинг ҳаракатини ҳам образли маънода сувнинг шу ҳаракатига ўхшатиш мумкин. Тўғри ва равон ҳаракат қоидалари доирасида фаолият кўрсатаётган пул бирлиги ҳар бир оборотдан қўшимча қувват билан чиқмайдими?!

Мамлакатимизда пулнинг самарали фаолият кўрсатиши учун энг мақбул чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда камчилик ва объектив қийинчиликлар бўлиши табиий, албатта. Лекин, бундан қатъи назар бир нарсани ҳеч қачон унутмаслик керак: сўмнинг шаъни — ҳаммамизнинг шаънимиз. Буни ҳар биримиз чуқур англаб олишимиз, бу аниқроғи, ўз юртининг, ўз фарзандларининг келажагини ўйлаган ҳар бир ватанпарварнинг қон-қонига сингиб кетган юксак бир туйғу бўлиши керак, назаримизда.

Юртимизда миллий валютани муомалага киритиш ва унинг конвертациясини амалга ошириш масаласида халқимизнинг эртага тўкин рўзғорини таъминлашга асос бўла оладиган йўлдан юраётганлигимиз бош мақсад эканлигини ҳис этиб турибмиз. Бахтга қарши, бир лаҳзалик фойдани ўйлаб ўзбек сўмини пинҳона пул бозорига солаётган, пул билан чайқовчилик қилиш эвазига бойлик орттиришга уринаётган «тижоратчилар» Ватан, мустақиллик, миллат шаъни каби туйғуларни қачон ҳис этишаркин?!

Оддийгина бир мисол. Хориж маҳсулоти ўрнига ўз маҳсулотимизни қанча кўп истеъмол қилсак, иқтисодиётимиз ривожига шунча кўп ёрдам берган бўламиз. Бу эса ўз навбатида шу иқтисодиётга хизмат қиладиган валюта — сўмимиз қувватига қувват қўшади. Демак, сўм қадрини ошириш умумхалқ ишига айланмас экан, олдимизга қўйилган мақсадларга эришиш анча мушкул кечиши, табиий.

Тўғри, бозор иқтисодиёти шароитида шахсий манфаат алоҳида ўрин тутади. Лекин тарихнинг шундай даврлари бўладики, унда давлат ва миллат равнақи барча нарсадан устун туради. Миллий пулимизнинг қадрини ошириш ҳам шундай бурчлар сирасига киради. Қудратли валютамиз мавжуд бўлган замонлар тарихига назар ташланг: Туркистон заминида турли даврларда ҳукм сурган хонликларнинг пул бирликлари ўз даврининг қувватли валюталари бўлган. Буюк Амир Темур зарб этган тангалар Европа, Осиё ва ҳатто узоқ Нил бўйи давлатларида эркин қабул қилинган, таъбир жоиз бўлса, бугунги Америка доллари ёки евро каби юксак мақомда бўлган.

Истиқлолга эришган ҳозирги авлодимиз зиммасига пулимизнинг шуҳрати ва қадр-қимматини ошириш вазифаси тушмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, сўмимизни мустаҳкамлай олсак, умуман иқтисодий ислоҳотларимиз муваффақиятини таъминлаган, ҳақиқий иқтисодий мустақилликка эришган бўламиз. Бу жараён нафақат давлатимизни, балки юртимизнинг ҳар бир фуқаросини синовдан ўтказиши, шубҳасиз.

Одил ОЛИМЖОНОВ,
иқтисод фанлари доктори,
профессор

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар: ислоҳот, бурч ва масъулият

ОҚСОҚОЛ — МАҲАЛЛА ЕТАКЧИСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг 2003 йил 6 октябрь куни қабул қилган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари)нинг ва улар маслаҳатчиларининг сайловлари бўлиб ўтади.

Ушбу тадбир мустақил давлатимизнинг, жамиятнинг, қолаверса, ҳар бир оиланинг ҳаётига бевосита тааллуқлидир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси учун ҳам ушбу тадбир муҳим аҳамиятга эгадир. Шу муносабат билан, партия Марказий Кенгаши Котибияти йиғилишида ушбу масала кўриб чиқилди ва жойларда мавжуд партия ташкилотларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ тарғибот-ташвиқот ишларида фаол иштирок қилишга ундовчи қарор қабул қилинди.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов белгиланиши муносабати билан ортга назар солсак, юртимиз мустақилликка эришгунига қадар маҳалла қўмиталарининг (маҳалла фуқаролар йиғинлари илгари шундай номланган эди) фаолияти намунавий низом билан белгиланган бўлиб, аксарият ҳолларда, унда берилган ваколат, вазифалар ҳам охиригача амалга оширилмай қоларди.

Маҳалла оқсоқоллари фақат маҳаллаларда ўтажак тўй-маъракаларни ўтказиш тадбирларида қатнашиш билан чегараланиб, аҳолининг турмуш даражасини кўтаришга таъсир кўрсата олмас эдилар. Давлат томонидан маҳаллаларга маблағ ажратилмаганлиги сабабли шу ва бошқа ишлар фақат жамоатчилик асосида олиб бориларди. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллаларда қилиниши керак бўлган ишларнинг ярим-ёрти бажарилишига олиб келарди.

Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуслари билан биринчи қабул қилинган қонунлар қаторида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди ва кучга кирди.

Ўтган давр мобайнида республика раҳбарияти томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мақомини оширишга қаратилган бир қатор фармонлар ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди, уларга қўшимча қанчадан-қанча масъулиятли вазифалар топширилди.

Авваламбор, бугунги кунда маҳалла фуқаролар йиғинлари давлат томонидан моддий қўллаб-қувватланаётганини, тегишли ишчи-ходимлар, ёшлар тарбиячилари ва маҳалла посбонларига эга эканликларини таъкидлаб ўтмоқ даркор.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бугуни кунда кам таъминланган, кўп болали оилаларга, ёлғиз ва ногирон қарияларга, уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлик катта бўлмоқда.

Шунингдек, маҳаллаларда ичимлик суви, табиий газ ўтказиш, кўчаларга асфальт ётқизиш ишлари ҳам айнан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг доимий назоратидадир.

Президентимиз томонидан «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинган жорий йилда фуқаролар йиғинлари томонидан қилинаётган ишларни бирма-бир айтиб саноғига етиш қийин.

Бугунги кунда оқсоқолларимиз, нафақат тегишли маҳалла ҳудудида истиқомат қилаётган, тўғри йўлдан оғиб ёмон йўлга кирган кимсаларни қайта тарбиялаш масаласига, балки аҳоли орасида профилактик ишлар олиб боришга ҳам алоҳида эътибор бериб келмоқдалар. Бу борада аҳолини иш билан таъминлаш йўлида тегишли корхона ва ташкилотлар билан биргаликда ўтказилаётган тадбирларни, хусусан, республикамизнинг кўплаб туман ва шаҳарларида ташкил қилинаётган «Меҳнат ярмаркалари»ни алоҳида қайд этиб ўтмоқ даркор. Республикамизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш натижасида қўшимча иш жойлари ташкил этилишида ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳиссаси катта.

Бундан ташқари, маҳаллаларда «Ўз уйингни ўзинг асра» шиори остида олиб борилаётган огоҳликка даъват этувчи ишлар ҳам ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Аксарият маҳаллаларда «Энг намунали уй», «Энг намунали кўча» кўрик-танловларининг ўтказилиши ҳам маҳаллаларимизнинг янада гўзаллашиб боришига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Хуллас, бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бош-қош бўлмаган масала йўқ, десак, муболаға бўлмайди: инсоннинг фоний дунёга келиб, боқий дунёга йўл олгунига қадар юриш-туришида, турар-турмушида нима масалаю муаммолар юзага келса, барчаси маҳаллалар зиммасида.

Шундай экан, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига муносиб номзодларнинг сайланишига барчамиз ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз даркор.

Маҳмуд ТОИРОВ,
сиёсатшунос

Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!

ОЙНАГА ЖИЛО БЕРАЁТГАНЛАР



Конизарликлар Сотволди акани уддабурон тадбиркор сифатида яхши билади. У Хадичахон ая билан етти нафар ўғилни комил инсон қилиб вояга етказди.

Фарзандлари ҳам отасининг ишини давом эттириш мақсадида Ўзбекистон тумани, Конизар қишлоғи ҳудудидаги ташландиқ бинони ижарага олиб, аввал турли ҳажмдаги полиэтилен қувурлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Маҳсулотга талаб тобора ошавергач, иш уч сменада олиб борилиб, бир кеча-кундузда 900-1000 килограммгача маҳсулот тайёрланди.



Сўнгра бу ерда ойнага ишлов берадиган цех ҳам очилди. Бунинг учун Қувасойдан ойна олиб келинди. Иккита вакуум ускунаси ёрдамида турли хил кўзгу, гулли ва қорайтирилган ойна маҳсулотлари тайёрлана бошланди. Ҳозир ойнага минг квадрат метргача ойнага ишлов берилиб, 4 миллион 670 минг сўмлик гулли ойна ишлаб чиқарилмоқда.

— Олинган фойдадан туманимиздаги 24-мактабга, ногиронларга, кам таъминланган оилаларга ёрдам беряпмиз, — дейди иш юритувчи Раҳматхўжа Сотволдиев. — Бундан ташқари, ёшларни иш жойи билан ҳам таъминлаяпмиз.



Суратларда: *оператор Юсупжон Мелибоев; ойна кесувчи уста Исомиддин Эшонқулов иш пайтида; корхона ишчилари Отамирза Саидов ва Хожиакбар Худойназаров маҳсулотни буюртмачиларга жўнатиш тайёргарлигини кўрмоқда..*

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.



Ҳуқуқий демократик давлат сари

СУД ҲОКИМИЯТИ ВА КОНСТИТУЦИЯ

КОНСТИТУЦИЯМИЗДА СУД ҲОКИМИЯТИ УЧ ҲОКИМИЯТНИНГ БИРИ СИФАТИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛАДИ. БУ ЭСА АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЮТУҒИ, АФЗАЛЛИГИДИР

Тарихдан биламиз, Ўзбекистонда XX асрнинг 20-йилларига қадар мустақил суд ҳокимияти мавжуд бўлган. Фақат шўролар даврига келиб ўлкамизда асрлар давомида шаклланиб келган бу ҳокимиятга путур етди. Шўролар давридаги конституцияларнинг бирортасида суд ҳокимияти мутлақо тилга олинмаган, тилга олиниши у ёқда турсин суд тоталитар тузумнинг жазолаш органига айлантирилган. Фуқаролар қатағон қилиниб, ҳақ-ҳуқуқлари поймол этиб келинган. Мустақиллик Конституциясида эса инсон, унинг ҳаёти, шаъни олий қадрият деб эътироф этилди.

Конституциямизда суд ҳокимиятининг қандай фаолият кўрсатиши ҳам белгилаб қўйилди. Жумладан, унинг 106-моддасида «Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади», деб кўрсатилганки, бу бир пайтлардаги сингари судга тазйиқлар бўлмаслигини, одил судловнинг холис ва юқори савияда амалга оширилишини кафолатлайди.

Асосий Қонунимизнинг 112-моддасида «Судлар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади», деб белгиланган. Ушбу тамойил судьяларга ишларни тўғри ва қонуний ҳал этиш учун катта имконият яратади.

Конституциямизда давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан ташкил топганлиги, суд ҳокимиятининг қандай фаолият кўрсатиши аниқ белгилаб қўйилганлиги туфайли мамлакатимизда кенг қамровли суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ўтказиш учун имконият яратди. Хусусан, Президентимиз Ислом Каримов Конституцияда белгилаб қўйилган қоидалардан келиб чиқиб, судларни жазоловчи органдан фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи органга айлантириш вазифасини қўйди. Ана шу юксак мақсадга эришиш учун кенг суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга оширишга киришилди.

1993 йил 3 сентябрда «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинганлиги суд ҳокимиятини мустаҳкамлашда биринчи қадам бўлди. Чунки унда суд мустақиллиги, судьялар мақоми сингари конституциявий тамойиллар янада ривожлантирилди. Жумладан, судья кадрлар лавозимга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган бўлди. 2000 йил 14 декабрда ушбу Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Мазкур қонунга биноан суд амалиётига апелляция инстанцияси жорий этилди. Бунинг натижасида суд хатоларини ортиқча сансолларликсиз бартараф этиш имконияти туғилди. Фуқароларнинг ҳуқуқлари кенгайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг судларни ихтисослаштиришни назарда тутувчи «Ўзбекистон Республикаси суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони судларнинг мутлақо янгидан тузилишига асос солди. Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича алоҳида судлар ташкил этилди, улар 2001 йил 1 январдан ўз фаолиятини бошлади.

Судья кадрларини танлаш ва лавозимларига тавсия этишда ҳам туб бурилиш юз берди. Эндиликда судьялик лавозимларига номзодларни тавсия этиш, уларнинг ваколатларини тўхтатиш ва муддатидан илгари тугатиш ҳақида тақдимномалар киритиш ваколатлари Адлия вазирлиги тасарруфидан чиқарилди. Бу ваколатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида тузилган судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси зиммасига юкланди.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги» қонун суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга оширишда, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг замонавий стратегиясини шакллантиришда муҳим қадам бўлди.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши, ярашув институти жорий этилиши туфайли жазо тайинлаш амалиётида ижобий натижаларга эришилмоқда. Ушбу Қонунга кўра, бир қатор қилмишларнинг жиноят деб топилмаслиги сабабли илгари ҳукм этилган 130 шахсга нисбатан жиноят ишлари тугатилди. Судлар томонидан тайинланган жазо янги қонунга мувофиқлаштирилиши жараёнида 5619 нафар шахснинг жазоси енгиллаштирилди. Бир қатор жиноят таркиблари қайта таснифланганлиги сабабли жазони ижро этиш колонияларида озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган 2040 маҳбус енгилроқ турдаги колонияларга ўтказилди.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессияси ва унда Президентимизнинг маърузалари суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга оширишда катта аҳамиятга эга бўлди. Унда мамлакатимизни, жамиятимизни демократлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Жумладан, маърузада суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича бошланган ишларни изчил давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди. **«Бу соҳадаги энг муҳим вазифа, суд-ҳуқуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятини сўзда эмас, амалда таъминлаш бўлмоғи лозим. Судлар том маънода мустақил бўлган ҳолдагина қонунларнинг қатъий ижроси, уларнинг ҳақиқий устуворлиги сўзсиз таъминланади. Қаерда суд мустақил бўлмас экан, шу ерда қонун талаблари ва адолат бузилиши муқаррар».** Президентимиз маърузасидаги ушбу гаплар судьялар зиммасига катта вазифаларни қўйди. Демак, биз ўз ваколатларимизни суд мустақиллиги тамойилидан келиб чиқиб амалга оширишга эришишимиз, суд ҳокимиятини янада мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи органга айлантириш сари собитқадамлик билан меҳнат қилишимиз лозим.

Ўктам ХОЛИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси



ДАВЛАТГА ҚАЙТАРИЛАДИ

Қирғизистон ҳукумати аввал хусусийлаштирилган бир қатор объектларни яна давлат ҳисобига қайтариб олмоқчи. Сабаб: мулк эгалари объектлар хусусийлаштирилаётган пайтда тузилган шартнома шартларини бажармаганлар.

Республика давлат мулкини бошқариш ва инвестицияларни тўғри жалб этиш қўмитаси раҳбари Равшан Жеенбековнинг «Новости» ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида айтилишича, давлат мулки қўмитаси аввал хусусийлаштирилган объектларда бу йил текширув ўтказган. Натижа шу бўлдики, инвестиция мажбуриятлари бажарилмаган, қарздорликдан қутулолмаган, низом жамғармасини кенгайтириш, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш бўйича шартлар бажарилмаган. «Мазкур сабабларнинг ўзиёқ шартномани бузишга етарли асос бўла олади. Шунинг учун ҳам давлат мулки қўмитаси ўз ваколатидан фойдаланиб, олди-сотди шартномасини бекор қилиш бўйича судга мурожаат этмоқчи» деди Р.Жеенбеков.

Маълумотларга қараганда, 2002 йили давлат мулкини хусусийлаштириш ҳисобига давлат бюджетига 5,4 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ кирим қилинган эди.

КИТОБЛАР НАШРИ ТАҚИҚЛАНДИ

Малайзия ҳукумати арвоҳлар ва умуман ўзга оламдаги ҳаёт тўғрисида ёзилган китобларни босмадан чиқаришни тақиқлаб қўйди. Малайзия ички ишлар вазири Чор Чи Хен берган манбаларга асосланиб, The Star газетаси маълум қилишича, эндиликда бундай китобларни ҳатто четдан мамлакатга олиб келиш ҳам тақиқланди.

ҲАЛОК БЎЛГАНЛАР УЧУН ТОВОН ПУЛИ

Kyodo ахборот агентлиги берган хабарда ёзишларича, Япония ҳукумати ўзининг Ироқдаги тинчлик кучлари аъзоларидан бирортаси хизмат вазифасини бажараётиб ҳалок бўлса, унинг оила аъзоларига 100 миллион иен (900 минг АҚШ доллари) товон пули тўлашни мўлжаллаб турибди.

Аслида товон пули қонун бўйича 90 миллион иенни ташкил этади. 10 миллион иен эса бош вазир жамғармасидан ажратилади.

Шу кунларда дунёнинг хавфли нуқталарида хизмат бурчини ўтаётиб ҳалок бўлган ҳарбийларнинг оиласига 60 миллион иен товон пули тўланмоқда.

Ироқдаги халқаро тинчлик контингенти таркибида хизмат бурчини ўтаётган Испания ҳарбийларининг эса (1412 нафар) келгуси йилдан бошлаб ҳаёти суғурталанмайдиган бўлди. «Европапресс» агентлиги хабар беришича, буни Испания Мудофаа вазирлиги ҳам тасдиқламоқда.

Маълум бўлишича, 30 октябргача ҳарбийлар ҳаётини суғурталаш бўйича суғурта фирмалари ўртасида танлов эълон қилинган. Лекин бирорта фирма ёки компания унда иштирок этмаган.

Аввалари бу иш билан «Мусини» компаниясининг «Мапфре» фирмаси шуғулланарди. Бироқ у суғурталаган 62 нафар испан ҳарбийси Украинанинг «Як-42» самолётида Афғонистондан қайтаётиб Туркия ҳудудида ҳалокатга учраши натижасида уларнинг оилаларига 3,7 миллион евро товон пули тўлашига тўғри келганди. Ўшандан сўнг компания Мудофаа вазирлиги билан бошқа шартнома тузмай қўйди. Уларнинг айтишича, Ироқда вазият кескин. Бу эса суғурта компаниялари учун кўра-била туриб «ҳалокат ёқасига» боришдек гап. Шу важдан улар суғурта шартномалари тузишни хоҳлашмаяпти.

Испания Мудофаа вазирлигидан маълум қилишларича, агар ҳарбийлар ҳаётини суғурталовчи хусусий компания ёки фирмалар топилмаса, у ҳолда 2004 йил 1 январдан бошлаб бу иш билан давлатнинг ўзи шуғулланади.

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ДАВОМ ЭТМОҚДА

АҚШ, Испания ва Европа Иттифоқининг Ачех музофотида фавқулодда ҳарбий ҳолат жараёнини чўзиш борасидаги Индонезия ҳукумати қарорини ноўрин қадам, дея баҳолади. Индонезия Ташқи ишлар вазирлиги эса АҚШ, Япония ва Европа Иттифоқини Индонезия ички ишларига аралашганликда айблади.

Индонезиянинг Antara миллий ахборот агентлиги хабар беришича, АҚШ, Япония ва Европа Иттифоқи Токио конференциясининг ҳамраислари сифатида Ачехда тинчлик ўрнатиш ва уни қайта тиклаш борасида берган баёнотида Индонезиянинг ҳудудий бутунлигини сақлаб қолишда уни қўллаб-қувватлашини, бироқ Ачехда ҳарбий ҳолатнинг яна чўзилишидан хавотирга тушаётганини билдирган эди. Ачех муаммоси фақат сиёсий йўл билан ечилиши мумкинлигини уқтирганди. Бунинг учун муаммони ҳал этиш жараёнида халқаро нодавлат ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этишига расмий Жакарта рухсат бериши лозим.

Маълумки, Ачех муаммоси юзасидан ташкил этилган Токио конференцияси неча йиллик можаролардан сўнг музофотни қайта тиклаш учун Индонезияга молиявий кўмак беришга тайёр турган 20 дан ортиқ давлатни ўзига бирлаштирган.

Эслатиб ўтамиз: Индонезиянинг Ачех музофотидаги «Озод Ачех» ҳаракати аъзолари салкам 30 йилдан бери мустақиллик учун кураш олиб бормоқдалар. Шу йил май ойида эса музокаралар натижасиз якунлангач, Индонезия ҳукумати кўзғолончиларга қарши кенг миқёсли ҳарбий ҳаракатлар бошлаб юборганди ва ўшандан бери музофотда фавқулодда ҳолат давом этмоқда.

ТОҒДА ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ

Непалда яқинда янги электр станцияси ишга туширилди. Хўш, ишга тушган бўлса, нима бўпти, дейишингиз мумкин. Гап шундаки, станция қурилган жой ўзгача, яъни денгиз сатҳидан 4580 метр баландда жойлашган. Бу тоғда қурилган дунё бўйича ягона электр станциясидир, дея хабар беради Kyodo ахборот агентлиги.



Қарор ва ижро

МУЛКДОРЛАР САФИ КЕНГАЯВЕРАДИ

ЁКИ ҲАР ҚАНДАЙ МУЛК ЎЗИНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЭГАСИНИ ТОПАЁТГАНИ ҲАҚИДА

Яқинда Чилонзор туманидаги қаровсиз қолган болалар боғчаси биноси ҳудудида бир неча ишчининг куймаланиб юрганини кўриб ҳайрон бўлдим. Аввалига, туман мутасаддилари яна бир хайрли ишга қўл уришибдида, деб ўйладим. Сўнг, нима гаплигини билиш учун улар томон юрдим.

Бу бинони танишим Хайрулла ака деган тадбиркор биржа савдоси орқали сотиб олгани, яхши ниятларни кўзлаб уни таъмирлаётгани ва қисқа муддатларда асосий ишларни якунлаш ниятлари борлигини айтишди.

Бундан олти ойлар илгари Хайрулла ака Содиқов билан учрашганимда, бир бино сотиб олиб, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган, худди чет эллардагидек ҳамма шароитлари муҳайё болалар боғчаси очмоқчи эканлиги, шу билан бирга боғчага хизмат кўрсатадиган кичик корхоналар қуриш нияти борлигини тўлқинланиб гапирганди. Демак, тадбиркор ўйлаган ниятларини амалга оширишга киришибди.

Тадбиркорнинг эски бинони биржа савдолари орқали сотиб олгани ҳақидаги гапдан сўнг республика Кўчмас мулк биржаси (РКМБ)даги фаолияти билан танишгим келди.

Мутахассислар берган маълумотларга кўра, биргина 2003 йилнинг 9 ойи давомида ушбу биржада 9422 та объект бўйича 15477,97 млн. сўмлик битимлар қайд этилибди. Ушбу даврда 6408 та давлат объекти бўйича 5301,77 млн. сўмлик битимлар тузилган. Сотилиш баҳоси 428,123 минг АҚШ доллари бўлган 3 та объектнинг эркин муомаладаги валютада очиқ савдолари ташкил этилган. Биржа тизимидаги савдоларга қўйилган мулклар сонининг 89,71 фоизи жисмоний шахсларга сотилган.

Ҳа, юртимизда мулкдорлар сафи кун сайин кенгайиб бормоқда. Изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида муаммолар бўлиши табиий ҳолдир.

Мамлакатимиз Президенти Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилнинг биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишидаги маърузасида **«...Ҳозирги ҳолатида ҳеч қандай фойда келтирмаслиги аниқ бўлган ва фақат зарар кўриб ишлаётган корхоналарни хусусий шахсларга сотиш ёки бутунлай тугатиш даркор.**

Бу бизнинг қатъий сиёсатимиз бўлиши шарт...

Ҳеч шубҳасиз, ҳар қандай мулк ўзининг ҳақиқий эгасини топиши зарур» деган эди.

Шунингдек, Юртбошимиз ҳанузгача хусусийлаштириш лозим бўлган давлат мулкини баҳолаш усул-услублари ишлаб чиқилмагани, биржа ва биржадан ташқари бозорларда сотилмай келаётган корхоналар активларини арзонлаштирилган қийматда сотиш бўйича механизмлар жорий этилмаганини ҳам танқид қилганди.

Қисқа даврда республика Давлат мулк қўмитаси томонидан юқорида қайд этилган вазифалар юзасидан тегишли тадбирлар, жумладан, давлат активларини арзонлаштирилган қийматда сотиш бўйича механизм ишлаб чиқилибди.

Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 26 августда қабул қилган «Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларини хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори алоҳида аҳамиятга эгадир. Мазкур қарор мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнининг навбатдаги босқичига шарт-шароит етилганини ва бунда бозор муносабатларининг азалий қонуни — талаб ва таклиф асосида иш юритиш лозимлигини кўрсатиб берди.

Мулк ҳақиқий эгасининг қўлига ўтиши иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли эканлигига шубҳа йўқ, албатта.

Ҳеч ким фойдаланмаётган мулклар очиқ савдоларга чиқариб сотилса, ҳақиқий эгасининг қўлига ўтса, бундан биринчи навбатда одамлар, давлат, қолаверса, мулкдор ҳам манфаат кўради, яъни янги иш ўринлари очилади, баъзи раҳбарлар онгидан боқимандалик, ўзибўларчилик кайфиятини чиқариб ташлаб, иқтисодиёт соғломлашишига, эркин рақобатнинг вужудга келишига сабаб бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги қарорининг 2 иловаси бўлган «Хусусийлаштирилган корхоналарнинг давлат активлари бошланғич нархини босқичма-босқич пасайтириш тартиби тўғрисида»ги Низомда аниқ белгилаб қўйилибдики, корхоналар, объектлар (молмулк) республика Кўчмас мулк биржасининг биржа савдосига Давлат мулки қўмитасининг ваколатли агенти томонидан белгиланган тартибда 3 ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўйилиши лозим.

Савдога қўйилганидан бир ойдан кейин объектга талаб бўлмаса, ҳар савдо сессияси мобайнида бошланғич нархга нисбатан пасайтиришнинг қатъий босқичлилиги 5 фоиз белгиланган ҳолда бошланғич нархни босқичма-босқич пасайтириш механизми қўлланилади. Бунда объектнинг пасайтирилган нархи қолдиқ баланс қийматдан паст бўлиши мумкин эмас.

Ҳозир, Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда савдоларга қўйилиб узоқ муддат сотилмай келаётган, бошланғич баҳоси босқичма-босқич пасаювчи мулкларнинг савдосини ташкил этиш механизми РКМБ марказлаштирилган электрон биржа савдолари тизими дастурига киритилиб, амалга жорий этилибди.

Шу асосда, 2002 йил 26 сентябрдан бошлаб бошланғич баҳоси босқичма-босқич пасаювчи давлат мулклари РКМБ биржа савдоси листингига киритилиб, савдоларга чиқарилиб сотилаётгани кўпчиликка маълум бўлмоқда.

Аввалари маълум меъёрий ҳужжатлар асосида баҳоланиб, савдога қўйилган мулклар узоқ вақт мобайнида, ҳатто йиллардир.

Албатта, биржа савдоларидаги объектларга маҳаллий ва хорижлик сармоядорларнинг қизиқиши сезиларли даражада ортгани аҳамиятли. Буни 10 ноябргача бўлган биржа савдоларида 17 та объект ўз эгасини топганлигидан ҳам кўриш мумкин.

2003 йил 17 октябрь куни бўлиб ўтган марказлаштирилган электрон биржа савдосида «Тошқишлоқмаш» ОАЖ балансидаги давлат мулки бўлган, қолдиқ баланс қиймати 2,1 млн. сўмлик маиший хизмат корпуси 37,2 млн. сўм нарх таклиф этган харидорга сотилган.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Тахиатош шаҳрида жойлашган, қолдиқ баланс қиймати 9442,0 минг сўм бўлган «Бойтерак» МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши 18966,8 минг сўмга, Нукус шаҳридаги қолдиқ баланс қиймати 11043,0 минг сўм бўлган «Нукус темир-бетон буюмлари заводи» МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши 22785,6 минг сўмга, Сурхондарё вилояти, Узун туманида жойлашган, «Сурхонсувқурилиш» трестига қарашли, қолдиқ баланс қиймати 7351,0 минг сўм бўлган «Узун механизациялашган кўчма жамланмаси»нинг 90 фоиз улуши 45900 минг сўмга, қолдиқ баланс қиймати 8709,0 минг сўм бўган «Музрабод механизациялашган кўчма жамланмаси»нинг 90 фоиз улуши 14175,0 минг сўмга сотилган.

Ҳозирда биржа томонидан ушбу объектларнинг савдоларга қўйилганлиги ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълонлар берилиши билан бирга, фаолият кўрсатаётган брокерлар ўртасида ҳам мунтазам равишда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу механизм 2003 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб жорий этилибди. Орадан қисқа вақт ўтганлигига қарамасдан, юқоридаги мисолларда кўрганимиздек у ўзининг дастлабки ижобий натижаларини бермоқда.

Албатта, нархи босқичма-босқич пасаювчи мулкларни сотиб олишда ўз вақтида етказилган ахборотнинг роли жуда катта. Масалан, тадбиркор нархи босқичма-босқич пасаювчи мулкларни сотиб олишда ҳар кунги савдо жараёни ва якунлари бўйича етарли даражада хабардор бўлса ҳеч қачон ютқазмайди.

Биржа савдолари давомида икки ва ундан ортиқ харидор корхонани шаклланган нарх бўйича сотиб олишга буюртма берган тақдирда, савдога қўйиш нархининг камида 5 фоизига нархни кўтариш йўли билан кимошди савдоси режими қўлланади. Албатта, энг юқори нархни таклиф этган харидор савдо ғолиби деб эълон қилинади.

Демак, ҳар қандай харидор ёки сармоядор сотиб олмоқчи бўлган мулкнинг баҳоси энг паст даражага тушгунга қадар кутиб, энг арзон баҳода сотиб оламан деган фикрда юрган бўлса, янглишади. Негаки, ушбу мулкни сотиб оламан деган харидор кўпчилик бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам юртдошларимиз ва тадбиркорлар ўз имкониятларидан келиб чиқиб, кўзлаган мулкни харид қилиш масаласида тезроқ бир қарорга келишлари, имкониятни бой бермасликлари керак.

Сармоядорларни савдоларга қўйилган мулклар бўйича ўз вақтида хабардор қилиш мақсадида РКМБда савдоларга қўйилаётган ҳар бир объект бўйича кенг миқёсда реклама-ахборот ишлари олиб борилмоқда. Тегишли маълумотлар Интернет тармоғидаги Кўчмас мулк биржасининг ўз сайти орқали мунтазам равишда тарқатилмоқда.

Айрим саволларга ўз вақтида тўғри жавоб бериш ва ошкораликни таъминлаш мақсадида «Ишонч телефони» ташкил этилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳукуматимиз томонидан яратилган қонуний асослар хусусийлаштириш жараёнини юксак босқичга кўтаришга, Хайрулла ака каби мулк эгалари кўпайишига, юртимиз равнақига хизмат қилмоқда.

Алимбек ТОШБЕК

t

TV ва давр

«ТЎКИНЛИК»

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси «Ўзбектелефильм» студиясида мамлакатимизда Галла мустақиллигига бағишланган шу номли телевизион ҳужжатли фильмнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди

«Аввал одамларнинг қорнини тўқ, устини бут қилайлик. «Аввал иқтисод, кейин сиёсат» деганларидек, оч одам мусиқани ҳам қорни билан эшитади. Қулоғига гап кирмайди...»

Юртбошимиз Ислом Каримов мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кезларда айтган бу сўзлар республикамизда ғалла мустақиллиги учун бошланган курашнинг том маънодаги мазмун-моҳиятини белгилаб берган эди.

Ўн икки йил давомида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ҳаётимизнинг барча жойларида бўлгани сингари қийин ва мураккаб синовларни бошидан кечирди: гоҳ об-ҳаво ноқулай келди, гоҳ сув тақчиллиги... Лекин, тажрибаси бой деҳқонларимиз халқимиз орзу қилган ғалла мустақиллигини қадамба-қадам рўёбга чиқардилар. Бунга сўнгги йилларда яратилган улкан ғалла хирмонларимиз ёрқин мисолдир.

«Ўзбектелефильм» студияси ижодкорлари республикамизда айни шу борада амалга оширилаётган залворли ишлар ҳақида ҳикоя қилувчи «Тўкинлик» (50 дақиқали) телевизион ҳужжатли фильм яратдилар. Унда республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг собиқ иттифоқ парчалангач, ғалла ва нон маҳсулотлари етишмаслиги туфайли юзага келган қалтис вазиятни бартараф этиш ҳамда ғалла мустақиллигига эришиш мақсадида ишлаб чиққан сиёсатининг бугунги кундаги самараси ёрқин акс этган. Қишлоқ хўжалигини замонавий техника билан таъминлаш, фермер хўжаликларида янгиликларни жорий қилиш, шунингдек, тармоқда уруғчилик сифатини оширишга бўлган саъй-ҳаракатлар аниқ мисолларда, иқтисодий-ижтимоий лавҳаларда муфассал очиб берилган.

Фильмда ғаллачилик тарихига ҳам тўхталиб ўтилади. Жумладан, тарих фанлари доктори А.Маврулов юртимизда ғаллачиликнинг тарихи ва истибдод йиллари, Туркистон ғаллазорларининг пахта майдонларига қай мақсадларда айлантирилиши жараёнлари ҳамда уларнинг оғир оқибатлари ҳақида сўзласа, иқтисод фанлари доктори Расулмат Ҳусанов ғалла мустақиллигига эришишнинг асл моҳияти, афзалликлари ва унинг истиқболли имкониятларига алоҳида тўхталиб ўтадилар. Айни пайтда кадрларда истиқлол йиллари ғалла майдонларида тер тўкиб, Ватанимизнинг олий мукофоти — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлган донгдор ғаллакорлар — Дўстмурод Абдуллаев ва Отахон Аламатовлар ҳақида ҳам фахр билан ҳикоя қилинади.

Шунингдек, фильмда республика «Агромашсервис» уюшмаси мутахассислари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутасаддилари иштироки ҳам унинг мазмун-моҳиятини бойитишда ўзига хос катта аҳамият касб этган.

Муаллифи — ёзувчи Шойим Бўтаев, режиссёри — Шуҳрат Бизаатов ва бошқа ижодкорлар томонидан яратилган мазкур ҳужжатли фильм мамлакатимиз Телерадиокомпаниясининг навбатдаги энг яхши ижодий ишларидан бири бўлиб қолиши, шаксиз.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

Футбол

КУЧЛИЛАР ТАИЛАНДДА АНИҚЛАНАДИ

Шанба куни пойтахтимизда Осиё чемпионати иккинчи босқич саралаш учрашувларининг навбатдаги баҳслари ўтказилди. Шу куни мусобақанинг Тожикистон — Сяньган терма жамоалари ўйини «ЖАР» спорт мажмуида бўлиши белгиланганди. Бироқ, айрим сабабларга кўра, бу учрашув «Пахтакор» марказий стадионига кўчирилди.

Дастлабки турда таиландликларни (1:0) ютган Тожикистон терма жамоасидан мухлислар бу гал ҳам шиддатли ва ҳужумкор ўйин кутишганди. Аммо, учрашув давомида асосан ҳимоя ва қарши ҳужум усулини қўллаган сяньганликлар рақибларига ҳеч қандай имкон беришмади — 0:0.

Биринчи давра саралаш баҳсларининг асосий ўйини эса кутилганидек, Ўзбекистон — Таиланд терма жамоалари ўртасида кечди. Мамлакатимиз терма жамоаси бош мураббийи ушбу учрашувда энг кучли таркибни майдонга чиқарди. Терма жамоанинг илк ўйинни пайтида чемпионлар лигаси баҳсларида қатнашган Максим Шацких («Динамо» Киев), Владимир Маминов, Олег Пашинин («Локомотив» Москва)-лар ҳам шу куни майдонда тўп сурди. Легионерларимиз бош жамоамиз ўйинини кучайтирибгина қолмасдан, балки учрашувнинг йирик ҳисобда якунланишига ҳам ҳисса қўшди — 3:0. Тўпларни вакилларимиздан Максим Шацких ва Владимир Шишелов(иккита)лар киритди.

Кеча ўтказилган Сяньган — Таиланд, Ўзбекистон — Тожикистон терма жамоалари учрашувлари билан «А» гуруҳининг биринчи давра баҳсларига якун ясалди. Олдинги турда тожикистонликлар билан дуранг ўйнаган сяньганликлар Таиланд терма жамоаси устидан ғалаба қозондилар — 2:1. Бу эса уларнинг гуруҳда Осиё чемпионатига бериладиган иккинчи йўлланма учун курашни давом эттириш имкониятини оширди. Гуруҳ «фаворит»ларидан бири, деб саналган Таиланд футболчиларининг Бангкокка қуруқ қайтишлари мусобақанинг кутилмаган воқеаси бўлди.

Ҳамюртларимиз охирги ўйинда тожикистонликлар билан дуранг (0:0) ўйнашди.

Энди «А» гуруҳининг иккинчи давра саралаш баҳслари 17-21 ноябрь кунлари Таиландда бўлиб ўтади.

Эркин ХОЛБОБО

Суратларда: Ўзбекистон — Таиланд терма жамоалари учрашувидан лавҳалар.

Саралаш босқичи биринчи даврасидан кейинги вазият

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. Ўзбекистон	3	2	1	0	7-1	7
2. Тожикистон	3	1	2	0	1-0	5
3. Сяньган	3	1	1	1	3-5	4
4. Таиланд	3	0	0	3	1-6	0





Янги китоб

БУЮКЛАР БАДИАСИ



Миллат маънавиятининг қадим йўллари узра сокин қўнғироқ жаранги эшитилади. Улуғ боболардан мерос бўлиб келаётган илм йўлида машаққат чекиш изтироблари, азоб ва қувончларини ҳар бир авлод ўз юраги йўлакларидан олиб ўтади.

Ўтган асрда истибдод қиличининг қонли дамида туриб миллат шаънини, қадр-қимматини улуғлаган олим, шоир, ёзувчиларимиз номи истиқлол туфайли янада баланд кўтарилди. Президентимиз Фармони билан уларга «Буюк хизматлари учун» ордени берилди.

Журналист ва ёзувчи Мақсуд Қориевнинг «Буюк хизматлари учун» ордени сохиблари туркумидаги қатор мақолалари газетамиз саҳифаларида чоп этилди. Таҳририят ушбу битикларни жамлаб «Ўзбекистон овози» кутубхонаси сериясида «Илм ўз аслига азалсиз подшоҳликдур» номи остида китоб ҳолида нашр этди.

Рисоланинг қимматли томони шундаки, муаллиф асосан ўзи кўрган, гувоҳи бўлган умр лаҳзаларини қаламга олади. Ўзбек фанининг дарғалари академиклар Қори Ниёзий, Ҳабиб Абдуллаев, Обид Содиқов, Саъди Сирожиддинов, Тошмуҳаммад Саримсоқовлар ҳақидаги хотиралар, уларнинг ҳаёти, фаолиятига чизгилар бугун илм йўлига кирган, кираётганлар учун ҳақиқий ибрат мактаби эканлиги кўрсатиб берилади.

Ушбу тўпламнинг нашр этилиши Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига амалий иш сифатида қадрлидир.

Шунингдек, китобдан ўлмас сўз санъаткори Ғафур Ғулом ҳақидаги «Тонг отар чоғида жуда соғиниб», шеъриятимиз маликаси Зулфияхоним тўғрисидаги «Сен баҳорни соғинмадингму?» номли бадиалар ҳам ўрин олган.

Бир сўз билан айтганда, мазкур рисола истиқлолимиз ёшларига буюк ўзбек зиёлилари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.

Фарруҳ ҲАМРОЕВ

Диққат, аукцион!

Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2003 йилнинг 12,19,26 декабрь кунлари аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, «Жарариқ» мавзесида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, ҳар бирининг майдони 0,04 гектардан бўлган иккита ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи қўйилади. Ер участкаларининг бошланғич нархи — 2 787 600 сўмдан.

Савдолар Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоиз миқдоридаги заҳалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Ўзуйжойжамғармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уй. Телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2003 йил 7 ноябрь куни ўтказилган аукцион савдоларида:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Ишлар бошқармасининг хўжалик ҳисобидаги моддий-техника таъминоти идорасининг давлат рақами 10 АС 265 бўлган «МАЗ-53366» русумли автотранспорт воситаси 8 000 000 сўмга;

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Р.Икромов кўчасида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, сатҳи 0,015 га. бўлган ер участкаси 750 000 сўмга;

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов тумани, «Дадил» ва Каримов кўчалари кесишувида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, сатҳи 0,024 га. бўлган ер участкаси 750 000 сўмга;

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов тумани, Уйғур кўчасида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, сатҳи 0,024 га. бўлган 1-сон ер участкаси 420 000 сўмга;

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Орифов кўчасида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган сатҳи 0,018 га. бўлган 1-сон ер участкаси 1 550 000 сўмга, сатҳи 0,02 га. бўлган 2-сон ер участкаси 1 800 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Офис мебели ва жиҳозлари билан таъминлаш савдосида иштирок этиш учун

ТАКЛИФ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий Комплекси ҳузуридаги ОТБ UZB-1961 лойиҳани Амалга ошириш гуруҳи барча товар етказиб берувчиларни қуйидаги мебель ва жиҳозлар сотиш учун ўз тижорат таклифларини тақдим қилишга таклиф этади.

— компьютер жиҳозлари
— нусха кўпайтирувчи техника
— офис мебели
— автомобиль

Юқорида кўрсатилган жиҳозларнинг техник спецификациясига оид ва бошқа саволлар бўйича тўлиқ маълумотни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:

700027, Тошкент, Ўзбекистон шоҳкўчаси 80-уй, 307-хона
Телефон: +99871-139-88-54
Факс: +99871-139-89-12
E-mail: esdp 1961 @sarkor. uz
Таклифлар 25 ноябргача қабул қилинади.

«СОВУТГИЧ» ЁТҲЖ

Барча турдаги автомобиллар ички ёнув двигателларини совутиш учун мўлжалланган юқори сифатли

«АНТИФРИЗ — ГА-39»ни

чекланмаган миқдорда

СОТАДИ.

Манзил: *Тошкент ш., А.Икромов туман, халқа йўли, саноат зонаси. «Равшан» автокорхонаси ичида жойлашган.*

Тел: 47-53-45; 47-03-06

Ҳикматли сўзлар маъноси

КЕЛИННИ КЕЛАР ЙИЛДА КЎР

Бу билан: «Келинни янгилигида мақтама, дарҳол ёмонлашга ҳам тушма. Уни келар йилда, яъни келаси йилда кўр. Шу бир йилда феъл-атвори маълум бўлади-кўяди», дейилмоқчи. «Терини сангобдан кейин кўр, келинни — туққандан кейин» (қорамол, қўй, эчки ва бошқа ҳайвонларнинг териси офтобда қуритилганда куйган бўлса, ўқрали-сўқрали ёки сасиган-чириган бўлса, сангобдан — терилар махсус эритмага солиб пиширилади-ган чуқурдан — бутун чиқмай, яримта-юримта, бурда-бурда бўлиб кетади. Келин бўлиб тушган қизларнинг айримлари бир, икки ва ундан ортиқ туққандан кейин ҳам аввалги ҳусни-жамолини сақлаб қолади, айримлари эса хунук тортиб, қаримсиқ бўлиб кетади. Бундан ташқари ўтган вақт мобайнида уларнинг ҳақиқий феъл-атворлари ҳам маълум бўлади. Шундай экан, уларни олдиндан мақтаб бўлмайди, дейилмоқчи»), «Яхши қизим — бир бешик орқаси», «Ой минмай отинг мақтама, йил турмай хотининг мақтама».

КЕНГ БЎЛСАНГ, КАМ БЎЛМАЙСАН

«Кенг бўлган кенг яшар», «Кенг бўлган тенг яшар», «Кенг бўлганга ғам юқмас». Бу мақоллар билан: «Юраги кенг, кўнгли очиқ, қўли очиқ, сахий одам элюрт ўртасида обрў-эътибор қозонади, ўзгаларнинг иззат-ҳурматига, сийловига, саховатига сазовор бўлади», деган маънода насиҳат қиладилар.

СУНЪИЙ ТЎСИҚЛАР, СОХТА ҲУЖЖАТЛАР

ЁКИ ХОРИЖГА ИШГА ЮБОРИШДА УЧРАЁТГАН КЎЗБЎЯМАЧИЛИКЛАР ХУСУСИДА

Четга чиқиб ишламоқчи бўлганлар бор. Лекин уларнинг кўплари кимга, қайси идорага учрашни билмай фирибгарлар тузоғига илиниб қолишмоқда.

Баъзилари эса сўраб-суриштириб худди шу масала билан шуғулланувчи ташкилот — Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига мурожаат қилмоқда. Афсуски, улар бу ерда ҳам турли найрангларга дуч келишмоқда. «Ҳали чет элга ишга юбориши номаълум бўла туриб овора қилишганига нима дейсиз? Бугун кел, эрта кел, қабилидаги алдовлар билан вақтимиз ўтиб кетяпти-я», деб зорланишади.

Дарвоқе, Бош прокуратура томонидан Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигида ўтказилган текшириш юқоридаги шикоятлар ўринли эканлигини исботлади.

Текширишлар шуни кўрсатдики, агентликда «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун талабларининг ижроси суст. Ҳатто айрим мурожаатлар қайд этиш дафтарига киритилмаган, улар мазмунан ҳал этилмасдан, муаллифларга юзаки жавоблар берилган. Натижада, фуқароларни ортиқча овора қилиш ҳолатлари кучайган.

Жиззахлик Тойир Шокиров агентликка 2002 йил мурожаат қилган, аммо шу кунгача тайинли жавоб ололмаган. Асакалик Яшнарбек Маҳмудов ва Икромжон Тошматовларнинг ҳужжатларини эса агентлик вакиллиги қабул қилмай, пайсалга солиб келаётгани маълум бўлди. Афсуски, бу сингари мисоллар талайгина!..

Мана бу ҳолатга эса ёқа ушлаб ё тавба дейишдан бошқа илож йўқ: Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруқлари билан тасдиқланган **«Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элларга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун юбориш бўйича йўриқнома»** ва **«Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Корея Республикасига касб-ҳунар ўрганиш ва иш билан таъминлашга юбориш учун танлаш ва тайёрлаш қоидалари»** ҳукумат қарори талабларига сира жавоб бермайди!

Энг ачинарлиси, қонун ҳужжатлари кучига эга бўлмаган мазкур буйруқларда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилгани ҳолда Кореяга ишга юборилиши ҳал бўлгунига қадар ортиқча сарф-харажатлардан иборат мураккаб жараёнлар кўзда тутилган. Жумладан, номзодларнинг хорижга бориши аниқ бўлмаса-да, улардан яшаш жойларидаги ички ишлар органларининг хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бўлимларининг чет элга чиқиш учун рухсатнома(виза) қўйилган фуқаролик паспортлари талаб этилган. Бу мутлақо ноқонуний ҳолат!

Шундай ҳолатлар ҳам содир бўлганки, масалан, фуқаро агентлик аралашувисиз хориждаги корхона билан хусусий шартнома тузиб, шундан сўнг агентликдан чет элда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия олган. Бундай лицензия ноқонуний эканлигини агентликдаги масъул кишилар яхши билишади. Аммо шу «рухсатнома»лар билан чет элга кетишга айнан агентликдагилар оқ йўл тилашган. Иккинчидан, мазкур рухсатномалар юзасидан расмийлаштирилган ҳужжатлар талабга жавоб бермайди. Уларнинг айримларида ҳатто аризалар ҳам мавжуд эмас. Баъзи ҳолларда фуқаролар томонидан тақдим этилган сохта ҳужжатлар асосида агентлик рухсатномалари қўлга киритилган. Масалан, фуқаролар С.Солопенко ва И.Нигматовларнинг раққослик мутахассислиги бўйича ўқиганлигини тасдиқловчи дипломлари сохта бўлсада, хусусий шартнома асосида Корея Республикасида раққослик билан шуғулланиш учун уларга лицензиялар берилади. Худди шундай, Н.Сайдашева, У.Ходосова ва С.Хвалихиналарнинг ҳужжатлар тўпламида ҳам сохта дипломлар борлиги аниқланган.

Яна бир воқеани айтиб ўтмасак бўлмас: фуқаро Т.Алланазаров Кореяга меҳнат қилиш учун кетиб, 2002 йилнинг январь ойида автомобиль фалокати оқибатида вафот этади. Марҳумнинг жасади Кореядан олиб келинганлиги учун агентлик унинг яқинларидан 3.103 АҚШ доллари тўлашни талаб қилади. Аслида агентликнинг ўзи марҳумнинг оиласидан қарздор эди. Чунки Т.Алланазаровнинг валюта ҳисоб рақамига Корея Республикасидан келиб тушган 17.585 АҚШ доллари мавжуд бўлган. Фирмолик ва юлғичликнинг пайи қирқилди. Ҳисоб-китоб қилинмаган бошқа маблағлари билан биргаликда жами 19.061 АҚШ доллари марҳумнинг оиласига ундириб бериладиган бўлди.

Ҳар бир фуқаронинг меҳнат қилиш ҳуқуқи қонун билан кафолатланган. У истаган жойда меҳнат қилиши мумкин. Ва бу масалада фуқароларимизга кўмаклашиш учун юқорида тилга олинган агентлик ташкил этилган эди. Лекин, кўриб турибсизки, бу ташкилотда суиистеъмолчилик, юлғичлик илдиз отган. Қонунни менсимаслик, таъмагирлик каби бошқа ноҳуш ҳоллар учрамоқда. Албатта, бундай ҳолатларнинг олдини олишнинг энг ишончли йўли — ҳуқуқий саводхонлик. Ўз ҳуқуқларини яхши билиш ва ҳимоя қила олиш кўплаб қонун бузилишларининг олдини олишда кўл келади. Бундай ҳолатларда ҳуқуқшунослар ва адвокатлар хизматидан фойдаланишни ҳам ўрганиш керак, деб ўйлаймиз.

Хуршид БЎРИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси миллатлараро ва халқаро ҳуқуқий муносабатларда қонунларнинг ижроси устидан назорат қилиш бўлими прокурори,
Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot
133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat
133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
133-20-36
Parlament va huquq
136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik
133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar
133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat
133-72-83
Reklama va e`lonlar
133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 0060
7621 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5
SOTUVDA ERKIN NARXDA

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ихтисослаштирилган кардиология Маркази жамоаси илмий ходим Ф.М. Ҳасановага онаси

БЕКМЕТОВА Сўна Латиповнанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.